



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ
ҚОНУНЧИЛИГИДА СУДДА ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА ТОРТИШУВ
ПРИНЦИПИНING MAЗМУН MOҲИЯТИ

Бабакулов Алишер Юсуф ўғи

адвокат

Аннотация: Ушбу тезисда жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган судда ишларни юритишда тортишув принципнинг мазмун ва моҳияти, қонунчиликда мазкур принципнинг қўлланилишининг ҳимоячи фаолиятидаги аҳамияти, қонунда айблов ва ҳимоя томонларининг процессуал тенглиги, айблов, ҳимоя ва суд функцияларининг аниқ белгиланганлиги, тортишув принципи суд муҳокамасининг оғзакилиги ва очиқлигига асосланиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: судда ишларни юритишда тортишув, айблов, ҳимоя, суд, тенглик, оғзакилик ва очиқлик, ҳимоячи позицияси, оқлов;

Abstract: This thesis discusses the content and essence of the principle of adversarial proceedings in court proceedings established in criminal procedural legislation, the importance of the application of this principle in the law in the activities of the defense attorney, the procedural equality of the prosecution and defense parties in the law, the clear definition of the functions of the prosecution, defense, and the court, and the principle of adversarial proceedings based on the orality and openness of the court hearing.

Keywords: adversarial proceedings in court proceedings, prosecution, defense, court, equality, orality and openness, the position of the defense attorney, justification;

Жиноят ишларини юритиш жараёнида тортишувчанлик ҳақиқатни аниқлаш, далилларни текшириш, айблов ва ҳимоя билан боғлиқ асосларга аниқлик киритиш нуқтайи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процесси принциплари тизимидан жой олган судда ишларни юритишда тортишув принципи жиноят процессуал тизимнинг самарали фаолият юритишини ва жиноят ишини юритиш жараёнидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

¹Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 25-моддасида “Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин. Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга



етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради” деб белгиланган.

²Судда ишларни юритишда тортишув принципи демократик одил судловнинг муҳим принципларидан бири саналади. Жиноят ишида иштирок этувчи шахслар: жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар билан тенг равишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар учун тортишувчан суд процессида қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда тенг имкониятлар таъминланади.

Жиноий одил судловни амалга ошириш жараёнида суд тарафлардан мустақил равишда жиноят ишини судда муҳокама қилиш вақтида ташкилотчи вазифасини бажаради. Суд на айблов ва на ҳимоя тарафида туриб ҳаракатланиши, бир тараф манфаатини кўзлаб процессуал иш юритиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилатганда, иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Яъни, мазкур нормага асосан биринчи инстанция (туман, туманлараро, шаҳар) судлари, апелляция, кассация, тафтиш инстанцияларида суд муҳокамаси тарафлар, яъни, прокурор, ҳимоячи адвокат, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Судлар Жиноят-процессуал кодекснинг 25-моддаси талабларига, яъни, ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишуви принципи асосида кўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак.

Шу ўринда, ³Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2025 йил якунлари бўйича ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 79 554 нафар шахсга нисбатан 63 177 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 422 нафар шахс оқланиб, реабилитация этилган.

Шунингдек, апелляция тартибида 10 423 нафар шахсга нисбатан 7 723 та жиноят иши кўриб чиқилди. 340 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 2 375 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Кассация тартибида 6 197 нафар шахсга нисбатан 5 505 та жиноят иши кўриб чиқилди. 379 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'UYALAR



чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 1 383 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Тафтиш тартибида 6 587 нафар шахсга нисбатан 5 573 та жиноят иши кўриб чиқилди. 173 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 813 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибида 1 072 нафар шахсга нисбатан 915 та жиноят иши кўриб чиқилди. 213 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 325 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Яъни, юқоридаги рақамлар, хусусан, 422 нафар шахснинг оқланиши суд процессида тарафларнинг ўзаро тортишуви, аниқроқ айтганда ҳимоячи адвокатларнинг фаоллиги, тортишувчанлиги ва албатта, суднинг жиноят процесси принципларига, хусусан, судда ишларни кўришда тортишув принциpigа қатъий ва оғишмасдан риоя эганлигининг натижасидир.